

2014 йил – Соғлом бола йили

ЎЗБЕКИСТОН – БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Юртимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими жорий қилинган, 12 йиллик таълимнинг афзалликлари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақаларидан иборат уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг афзалликлари бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Тошкентда ўтказилган "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартин" мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этган кўплаб хорижлик мутахассислар Ўзбекистон таълим тизимидаги изчил ислохотларга юксак баҳо берди. Жумладан, "UCSI" университети президенти (Малайзия) Петр НГ шундай деди: "Хар бир юртининг куч-қудрати, интеллектуал салоҳияти таълим тизимидаги ислохотларда ҳам намоён бўлади. Шу маънода, Ўзбекистон ёш авлод таълим-тарбиясига юксак гамхўрлик кўрсатмоқдаки, бунга нафақат ҳавас қилиш, шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ислохотлардан ибрат олиш керак, деб ўйлайман".



Дарҳақиқат, бугун юртимиз ёшлари нафақат республика, шунингдек, халқаро миқёсдаги кўплаб фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли санъат анжуманларида қатнашиб, истеъдодлари намоён бўлишмоқда. Ўзбек ёшларининг мағрур овозини дунёга етказиб берди. Истиқлол йилларида ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида 20 та оltин, 49 та кумуш, 88 та бронза медали ва 100 дан ортиқ дипломларни қўлга киритишди. Шу ўринда юқоридаги халқаро анжуманда иштирок этган чет эллик олимнинг сўзларини келтириш жоиз. У "Ахборот" дастурига берган интервьусида хайрат билан гапирди: "Энди билсам, дунёда энг бахтли ёшлар Ўзбекистонда яшаркан. Мен бунга ишондим. Таълим тизимида бундай имкониятлар жажонининг энг ривожланган мамлакатларида ҳам йўқ. Қайси давлат 12 йил ўз болалигида текин таълим беради? Оилада ҳеч бир ота ўз фарзанди учун бундай имкониятни яратиб бера олмайди". Дарвоқе, таълим тизимини ривожлан-

тириш даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакатини орасида 2-ўринни банд этгани бежиз эмас. Истиқлолнинг илк йилларида умид билан етилган "ниҳол"лар ўз "мева"-сини бермоқда. Ёшлар буюк аждодларга муносиб фарзанд эканларини кўрсатмоқда. Бобомиз Амир Темур жаҳонни ўзининг адолатчилиги билан хайратга солган бўлса, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ўз қалами билан дунёни забт этди. Ал-Бухорийнинг ўлмас асарлари дунё мусулмон олами учмас шўладек ёритиб турибди. Бугунги ёш авлод уларнинг неварачевара-эваралари. Буни бугунги ҳаёт кўрсатмоқда. Уларга Ватан ҳам, Президент ҳам ишонди. "Мен уларга ўзимга ишонгандек, ишонман", дейди давлатимиз раҳбари.

Миришлом БАДАЛОВ, тадқиқотчи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ ҳўжалиги

Мамлакатимизда баҳорги экиш мавсумига ҳозирлик ишлари ниҳосига етди. Жорий йилда пахтанинг серҳосил, эртапишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли ҳамда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган навларини экиш белгиланган.

ТЕХНИКА БАҲОРГИ ЮМУШЛАРГА ШАЙ

Чигит экиш мавсумини қисқа муддатларда тугатиш мўл ҳосилга пухта замин яратади. Бу жараёнда замонавий, унумли экиш агрегатларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис "Узагрошсервис" уюшмасига қарашли корхона ва таъмирларда фермер ҳўжаликлари билан ҳамкорликда баҳорги дала ишларида қатнашиши мўлжалланган қишлоқ ҳўжалиги техникалари тўлиқ ва сифатли таъмирланди. Уюшма тизимида 17 завод, машина-трактор парклари қошида қарийб 150 техник хизмат кўрсатиш шохбаси ва маркази фаолият юритмоқда.

– Туман машина-трактор паркларида фермерларга қарашли техника-ни марказлашган ҳолда таъмирдан чиқариш йўлга қўйилгани ўз самасини бермоқда, – дейди уюшманин машина-трактор паркларини ривожлантириш, таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш бўлими бошлиги Қодиржон Исмоилов. – Ҳозирга қадар таъминот ва таъмирлаш корхоналари томонидан фермер ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги техникасини мавсумга тайёрлаш ишлари учун ўн миллиард сўмлик моддий-техник ресурслар етказиб берилди. Мавсумга шайланган ҳар бир техника вилоятлардаги маҳсул комиссия томонидан қабул қилиб олинди ва сертификат берилди.

"Узагрошсервис" уюшмасида Маҳаллийлаштириш дастури асосида янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Хориждан келтирилган "Кейс" комбайни ва "Магнум" хайдов трактори учун 40 турдаги янги эҳтиёт қисмлар маҳаллий хом ашё негизига ишлаб чиқарилмоқда. Ана шундай қишлоқ ҳўжалиги техникаларини таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш учун "Ўзкейссервис" кўшма корхонаси ва барча вилоятларда сервис марказлари фаолияти йўлга қўйилгани фермерлар мушкулларини осонлаштиради.

Машина-трактор паркларини янгиллаш ва замонавий техника воситалари билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда юртимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган янги техника турлари харид қилинмоқда. Мисол учун, "ЎзКласс-Агро" Ўзбекистон-Германия кўшма корхонасида йиғилаётган "АХОС-340", "ARION 630С", "ЎзКейсТрактор" Ўзбекистон-Америка кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "TL-100", "ТС-6070" русумли хайдов тракторлари фермерларга молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари ва лизинг асосида мунтазам етказиб берилмоқда.

Фермер ҳўжаликлари ва таъмирлотларга эҳтиёт қисмлар етказиб беришни изчил йўлга қўйиш мақсадида жойларда савдо дўконлари ташкил этилган. Мавсум давомида техника воситаларининг доимий ишларини таъминлаш учун ушбу савдо дўконларида зарур эҳтиёт қисмлар ва моддий-техник ресурслар захираси яратилди.

Сайёра ШОЕВА, ўЗА муҳбири.

Биоусул

ЭКИН ҲИМОЯЧИСИ, ДЕҲҚОН КЎМАКЧИСИ

– Бу ишларни аллақачон бошлаб юбордик, – дейди биологдор раҳбари Маъмуржон Топилов. – Лаборатория-мизда 3 миллиондан ортиқ олтинкўз, 5,5 килограмм трихограмма ва 150 мингга яқин бракон захираси бор. Уларни боқиб, кўпайтириш ва сақлаш учун шариотлар етарли. Олтинкўзларни яқин кунларда далаларга чиқаришни бошлаймиз. Гектарига 2 мингтадан тарқатиш режалаштирилган бу фойдаланиш ҳашаротларни ҳозир иссиқдан совуққа мослашиши учун музхоналар-

да керакли амалиётлардан ўтказдик. – Зараркундаларга қарши курашда биоусул ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан қўл келадди, – дейди туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди раҳбари Мурод Бобоев. – Бир гектар пахта зараркундалардан асрашда биоусулдан фойдаланилса, ўртача 20 минг сўм маблаг сарфланади. Кимёвий дорилар ёрдамида курашилганда эса сарф-харажат 50 дан 100 минг сўмгача етиши мумкин.

Кўриниб турибдики, биоусул деҳқонга 2,5 дан 5 баробаргача арзонга

тушади. Шунингдек, у экологик хавфсиз бўлиб, экин майдонига жойини топиб қўйилса бас, ҳосил кушандаларининг "кушандасига" айланади. Кимёвий дори воситалари кўлланилганда эса, захарли дори таъсирида зараркундалар билан бир қаторда табиятдаги мавжуд энтомофагларга ҳам кирон келади. Қолаверса, зараркундалар ўта мослашувчан бўлиб, ҳар қандай кимёвий моддаларга тез ўрганади ва ўзидан сўлак бези ажратиш ҳисобига тирик қолади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўшма корхоналарда

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ, ЭКСПОРТГА ЯРАЙДИ

Бугунги кунда вилоятимизнинг қай гўшасига борманг, бунёдкорликнинг гўшасига бўласиз. Маълумки, бундай жараён қуришиш ашёларига бўлган талабни ҳам оширади. Соҳа-Шуниси таҳсинга лойиқки, қурилиш объектларида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бинокорлик материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу жараёнда республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу дастурга мувофиқ, вилоятда саноатнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида ички ва ташқи бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи юқори технологияли саноат шакллантирилмоқда. Бунда қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга ихтиросозлашган корхоналарни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган соҳанин жadal ривожига хизмат қилаётир.

Чиноз туманидаги керамзит ишлаб чиқариш корхонаси негизига лойиҳа қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг, йилга 400 минг комплект санитар керамик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "GRAND Art CERAMIKS" Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси қурилиши ҳам шу дастурнинг самарасидир. Корхона таъсисчиси Баҳодир Фафуров ташаббускор, ишбилармон ёшлардан. Унинг бозорни пухта ўргангани, ҳар бир

ишни мукамал ва пишиқ олиб бориши тўғрисида қорхонада иш жараёни жadal ривожланмоқда. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракати аввало пухта ўйланган гождан бошланади. Гоя лойиҳага – қоғозларга кўчади, лойиҳа эса технология, иншоот, ускуна ва бошқаларга айланади. Бу жараёнда, аввало лойиҳа пухта тузилиши мўҳимдир. Шунинг билан мақсад қилган Баҳодир Фафуров дидиллик билан ишга киришди. Кўп ва ҳўб ўйлаб, мукамал бизнес-лоийҳа тузди. Мамлакатимиз ва кўшни давлатлар бозорида маҳсулотга бўлган талабни чуқур таҳлил қилди. Божхона маълумотларига кўра, республикамизга бир йилда 330-375 мингтагача санитар керамика маҳсулотлари четдан келтирилар экан. Баҳодир хом ашё ўзимиздан чиқаришни ҳам ҳисобга олиб, ҳаракат қилди. – Имкониятлар, имтиёзлар тадбиркорга қанот

бўлади, – дейди Баҳодир Фафуров. – Юртимизда ишлайман деган одам учун барча қўлайликлар яратилган. Айниқса, Президентимизнинг тадбиркорлар фаолиятини доимий эътибор қаратаётгани, кўплаб имтиёзлар бераётгани фаолиятимизнинг юксалишига омил бўлмоқда. Маҳаллий хом ашёдан чет эл технологияси асосида санитар керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатаймиз. Шу йилнинг иккинчи чорагидан корхонамиз 35 фоиз қувват билан ишлаб, йилга 75-80 минг комплект керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаради. 80 киши иш билан таъминланди. Халқимизда: "Яхши ният билан бошланган ишнинг натижаси хайрли бўлади", деган гап бор. Корхона 2015 йилдан тўлиқ қувват билан ишлаб, йилга 400 минг комплект маҳсулот тайёрланади. Бу республикамиздаги санитар кера-

мика маҳсулотларига бўлган талаб тўлиқ таъминланади дегани. Қолаверса, маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. – Саноат тараққиётига узоқни кўзлаган мақсадлар орқали эришилади, – дейди корхона таъсисчиси. – Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган эътибор шу билан аҳамиятликки, бугунги кунда импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини ўзимизнинг истикболли маҳсулотларимиз эгалламоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилиши янги иш ўринлари яратишга ҳам кенг йўл очди, экспорт салоҳиятини оширади. Бизнинг пировард мақсадимиз озод ва обод Ватанда фарован яшашидир. Бу мақсад йўлидаги ҳар бир ташаббус келажакимизнинг янада ёрқин бўлишига замин яратади.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ, Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Бугун – Амир Темур таваллуд топганига 678 йил тўлди

БУЮК САЛТАНАТДА ҚОНУНЧИЛИК



оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда... унинг давлатида конституцион қонунлар мажмуаси мавжуд бўлган ва амал қилган". Амир Темур қонунларга риоис қилишни шу қадар жиддий қўйганиди-

ки, қонунни бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буорган. Қонунчиликнинг шу даражада ўрнатилиши мамлакатда тинчлик ва осо-

йишаликнинг барқарорлигини таъминлаган. Франг ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг: "Қонун – майда пашшалар илиниб, йирикларни қутулиб кетадиган тўр эмас", деган сўзларини айнан Соҳибқирон қонунларига нисбатан айтиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятда ҳам, қонун – қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учунгина қимматлидир. "Буюк бобоклонимиз: "Қаерда қонун ҳўкмдорлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади", "Бир кунлик адолат, юз кунлик тоат-ибодатдан афзал", деб ёзган ва ўз фаолияти давомида шу тамойилларга амал қилган. Соҳибқирон ўзининг маънавий устози – Абу Бакр Тойибодий нома орқали йўллаган ушбу ўғитларга доимо содиқ эди: "Мамлакат куфр

билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди". Хуллас, "Темур тузуқлари"ни ўрганар эканмиз, дастлаб Европа мамлакатларида жорий қилинган, айни вақтда юртимизда ҳўқуқий давлат қуриш гоёиси аслида Амир Темур бобомизга тегишли экани ойдинлашади. Чунки, Амир Темурнинг қонунчилиги соҳасидаги фаолияти ўз даври учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, ҳозирда ҳам у аҳамиятини йўқотган эмас. Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари: "Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз керак. Нега деганда, Амир Темур тузуқларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан" деганида мутлақо ҳақ эди. **Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.**

Тадбир

Бекобод педагогика коллежида туман маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ШОИРНИ ЁД ЭТИБ

Таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, маҳалла маслаҳатчилари, ижодкор ва адабиёт илосомандлари иштирок этган тадбирда Муҳаммад Юсуфнинг хаёти ва ижодий фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди, асарларидан намуналар ўқилди, шоир шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар жонли ижрода тарангун этилди. Ижодкорнинг издошлари бўлган туман газетаси қошидаги "Илҳом" клуби аъзоларининг шеърларини ҳам йиғилганлар мароқ билан тингладилар. Бундай қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар тумандаги барча билим даргоҳларида ўтказилмоқда. **Карим МАВЛОН.**

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳўқуқий билимларини ошириш, Ватанга муҳаббат, аждодларга муносиб авлод бўлиш, дахлдорлик тўғриси кучайтириш шу куннинг энг долзарб масаласидир. Зеро, ўзлгини англаган ўзгага хор бўлмайди. Маънавий-маърифий соҳадаги кенг қўламли ислохотлар шу мақсадга йўналтирилган.



Республика Маънавият тарғибот маркази, халқаро Амир Темур жамғармаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Соҳибқирон бобомиз таваллудига бағишлаб ташкил этилган фестивал шу маънода вилоятимиз ёшлари, каттаю кичика руҳий қўтаришлик бағишлаган маънавий-маърифий тадбир бўлди. Унга адабиётшунос, тарихшунос, темиршунос олимлар, сиёсатчилар, ёзувчи, шоирлар эл назаридидаги санъаткорлар таклиф этилди.



Дастлаб Темирийлар тарихи музейига ташриф буюрган меҳмонлар Зангиотага, сўнг Чиноз туманидаги 14-муқса ва санъат мактабиди ўқувчи-

рон тумани Шавғоз, Бўстонлик тумани Сижжак қишлоқларида ҳамда Чирчиқ шаҳридаги "Офисерлар саройи"да давом этди. Хар бир учрашувда "Аждодларга муносиб авлод бўлайлик", "Амир Темур босиб ўтган йўллар" деган эзу ният янгар турди. Ами Темурга нисбатан тарихий ҳақиқатнинг тикланлигини, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар, улугвор бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борди.

Сайёра РИХСИБОЕВ, Еркабоб БОТИРОВ олган суратлар.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ИСКАНДАР – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида пауэрлифтинг бўйича давом этаётган паралимпиячилар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Исқандар Турсунбоев кумуш медални қўлга киритди.



Жорий йилги спорт мавсумида паралимпиячиларимиз турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда. Дубай шаҳрида давом этаётган мусобақада дунёнинг олтинчи ва яқин давлатидан 300 нафардан зиёд спортчи медаллар учун ўзаро куч синаяшмоқда.

Исқандар Турсунбоев вази 65 килограммгача бўлган пауэрлифтингчилар баҳсида 120 килограмм оғирликдаги тошни ўзига бўйсундириб, шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди ва шу йилнинг 18-24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳри мезбонлик қилаётган Парасиё ўйинларида қатнашиш имконига эга бўлди.

Футбол

Аёллар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий табақаси мусобақалари бошланди.



УЧТА ЖАВОБСИЗ ТЎП

Биринчи учрашув Бекободнинг "Металлург" ва Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоалари ўртасида кечди. Уйин 3:0 ҳисобида вакиллариимиз фойдасига ҳал бўлди. Нарғи

за Абдурасулова икки тўпга муаллифлик қилди. Моҳиғул Иқромова эса, рақиблар дарвозасига учинчи тўпни киритди. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Bolalik bog'i

YOVVOYI MUSHUK

(Hikoya)

Katta, serdaraxt hovlining etagida og'il bor edi. Yarmiga temirdan qo'ra yasali, yetti-sakkizta qo'y boqilardi. Qolgan yarmida qoplarda kerak, jo'xori yormasi, sheluxa va boshqa yemlar turardi. Tomda pichan saqlanardi.

gulik sola boshlashdi. Hatto, mushukchalarga ora-sira sut ham berishardi. Bir kuni ertalab, bomdod namozidan so'ng Habib bobo hovlisidagi supada kampirni Adolat buvi bilan nonushta qilib o'tirishganda, targ'il mushuk "miyov" deb kelib, choling oyog'iga surkaldi. Chol hayajonlanib, mushukning boshini, yelkalarini siladi. So'ng dasturxonidan ikkita kichik non burdasini olib, mushuk oldiga tashladi. Lekin mushuk nonga qaramadi. Choling oldida biroz miyovlab turdi-da, og'ilga - bolalari oldiga ketdi.

Bir kuni og'ilda yovvoyi mushuk paydo bo'ldi. U tom'dagi pichanlar orasida, pastda, yem solingan qoplar ustida, ba'zan qo'ylar oxuri yonida ko'rinariduy, odamga hech yaqin kelmasdi. Og'ilda yovvoyi mushukning paydo bo'lishi Habib boboni xursand qildi. "Mayli, hovlida mushukning bori yaxshi, - dedi chol. - Yem bor joyda, albatta, sichqon paydo bo'ladi, agar mushukning hidini sezsa, qochadi".

- Adol, mushukning oldimizga kelishida bir sinoat bor! - dedi chol kampiriga. Oqshom choling nabirasi G'ayrat ko'chadan hovliqancha yugurib kirdi: - Bobol! Ko'chada targ'il mushukni mashina bosib ketdi. - Eh, jonivor-a! Uning bizga ertalabki ilijosi bejiz emas ekan-da, - dedi chol. - O'lishini sezib, bolalarimni sizlarga qoldirayman, degan ekan-da. Eh, jonivor-a! **Alinazar EGAMNAZAROV.**



Эҳ, сиз, одамлар...

Бу ривоят эмас, одамлар кўз ўнгига содир бўлган, воқеа. Уни менга кишлоғимиздаги оқила, нуруний онахонлардан бири айтиб берган. ...Биз ёшгина келин-чақлар ёзнинг жазирама кунларидан бирида эрталаб далага кетаётгандик. Яқиндагина галла-роллиқлар кўчиб келиб, жойлашган уйлар олди-дан ўтаётганимизда дугонамиз Ойшахон шарақлаб кулиб: "Вой, анави одамчани қаранглари!" деб қолди. Ариқ бўйида қуришидан 25-30 ёшни эслатувчи, аммо бўйи бир метрдан ошмаган, миқти гавдали бир киши бетини юваётган эди.

лаган ёш булкин ёнимизга келди. - Кулманглр, сингил-жонлар, тавба қилинглр, - деди охиста. - Мен ҳам кулган эдим... Биздаги хайратни пайқаган аёл кўзешларини узун енигга артиб, давом этди: да уни қаттиқ хафа қилиб қўйганимни англадим. Бу пайтда мен ҳомиладор эдим. Кўп ўтмай, фарзанд кўрдим. Аммо у турма ногирон эди. Худога нолалар айлаб, тавбалар қилдим, лекин кеч бўлганди... Мана, кўриб турибсизлар ўғлимнинг аҳолини. Худди ўша гадога ўхшайди. Биз, ёшлар аёлининг га-

ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ГОЛИБ



Чирчиқ олимпия захиралари коллежи яна бир нуфузли мусобақага мезбонлик қилди. Оғир атлетика бўйича эркаклр ва хотин-қиз-

лар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 200 га яқин энг кучли спортчи голиблик учун курашди.

Оғир атлетика

Олимпиадаси қатнашчиси, Осиё чемпионати совриндори Марина Сисоева олтин медалга сазовор бўлди. 58 килограмм вазни қизлар орасида Фарангиз Шомуродова ва 56 килограммгача вазнда Рўзимурод Арслонов олтин медални қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида вилоятимиз вакиллари биринчи, андижонлик спортчилар иккинчи, фарғоналик атлетлар учинчи ўринни эгаллашди. Маълумки, спортчиларимиз шу йил Жанубий Кореядаги Осиё ўйинлари ҳамда Қозғистоннинг Алмати шаҳри мезбонлик қилаётган Жаҳон чемпионатида иштирок этишади. Мазкур халқаро турнирларга тайёргарлик доирасида мамлакатимизда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ўзбекистон чемпионати ҳам спортчиларимизнинг ушбу мусобақалар олдида тажрибаларини янада оширишларига имконият яратди. **Хуррият МҮМИНОВА, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Кулоққа чалинган гаплар

Бу хонанда ҳақидаги миш-мишларга ишонмайман - ҳаммаси бўҳтон, дейсизми? Вой, соддаси тшмагур-ей, бу шунчаки миш-миш-ку, сиз асл ҳақиқатни билмайсиз-да...

жой беришганди, астойдил хафа бўлди. Бировга эргашган одамнинг ортидан иш қолмайди. У шахмат уйнаётганда хаддан ташқари кўп ўйлайди. Уйлагани майли, шунга яраша тузуқроқ юриш қилса экан...

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНАМАН

Юртимиз мактабларида фарзандларимиз ўзбек ва чет тилларини ўрганишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби кўп жиҳатдан ўрнак бўларди. Бу ерда математика, физика ва кимё фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Айниқса, ташкил этилган турли тўғарақлар ўқувчиларнинг билим доираси ва фикрлаш қобилияти ривожланишида ёрдам берапти. "Ёш табиатшунослар", "Зулфияхоним қизлари", "Ёш журналист", "Қизиқарли математика" каби тўғарақларга ўқувчиларнинг қизиқиши катта. 20 йиллик ўқитувчилик фаолиятига эга Сайёра Асдуллаева "Ўзбек тилини ўрганамиз" тўғарагини таш-



ЯНА БИР БУШ ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАР

Американинг Флорида штати собиқ губернатори, АҚШнинг собиқ президенти кичик Жорж Бушнинг укаси Жёб Буш 2016 йилда мамлакат президенти лавозимига номзодини қўйиши мумкинлигини айтди. "Мен бу масала хусусида шу йилнинг охиригача яқиний қарорга келман, - деди у Fox News телеканалига берган интервьюсида. - Ҳозирча, бу ҳақда ўйламоқчи эмасман". Жёб Буш 1999-2007-йилларда Флорида штатини бошқарди ва шу даврда штат тарихидаги энг машур губернатор сифатида танилди. Агар у президентликка номзодини қўйса, оилавий анъанани давом эттириши мумкин. Унинг акаси кичик Буш АҚШнинг 43-отаси Жорж Буш 41-президенти бўлишган. Бирок, экспертларнинг айтишича, акаси кичик Жорж Буш Американинг энг бш президенти сифатида таассурот қолдиргани Жёб Бушнинг номзодлик нуфузига сая ташлаши мумкин. Собиқ давлат котиби Хиллари Клинтон ва вице-президент Жозеф Байден 2016 йилги президент сайловларида демократик партиядан номзод бўлишлари эҳтимолга яқинроқ.

КЎЧА БАЗМИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Калифорния штатида талабаларнинг оммавий кечасида тартибсизлик бошланиб, полиция билан тўқнашувлр оқибатида юзга яқин киши ҳибсга олинди ва 44 киши жабрланди, деб ёзади Reuters агентлиги. Ҳар йили кўчаларда ўтказиладиган "Дельта" кечасида 15 миңдан зиёд талаба иштирок этди. Хурсандчилик авжига чиққан пайтда талабалардан бири спиртли ичимлик шишалари солинган сумкаси билан полициячини урғач, тартибсизлик бошланди. Қолган талабалар тартиб посбонларига тош ва портловчи мушак улоқтиришди. Оқибатда полиция машиналарига жиддий зарар етди. Шундан сўнг хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўздан ёш оқизувчи газни ишга солишга мажбур бўлдилар. Тўқнашувларда жабрланганлар, шу жумладан беш полициячи ҳам яқин-атрофдаги шифохонага келтирилди. Айна пайтда воқеанинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

УЧ НОМЗОДНИНГ ЎРИНЛИ ТАШВИШЛАРИ

Афғонистоннинг шимолий вилояти Қундузда сайлов участкалари қўтиларини олиб бораётган юк машинаси йўл четигагина минага дуч келиб, портлаб кетди. Voice of America нашрининг ёзишича, портлаш оқибатида уч киши - ҳайдовчи, полициячи ва марказий сайлов комиссияси аъзоси ҳалок бўлди. Шунингдек, сайлов бюллетенлари солинган 8 та қутича ҳам нобуд бўлди. Сайловларда етакчилик қилаётган уч номзод овоз бериш натижалари сохталаштирилиши мумкинлигидан ташвишланишмоқда. Марказий сайлов комиссияси маълумотларига қараганда, 5 апрель куни бўлиб ўтган сайловларда етти миллионга яқин, яъни 50 фоиздан кўпроқ афғонлар иштирок этди. Сайлов участкаларида содир этилган бир нечта портлашларда 30 дан зиёд киши яраланди ва шифохонага тушди. Агар шанба кунги сайловда ҳеч бир номзод 50 фоиздан кўпроқ овоз олмаган бўлса, 28 май куни иккинчи тур сайлов ўтказилади.

ҚУРОЛЛИ ЖАНЖАЛ ҚУРБОНЛАРИ

Нигерияда жамиятлар етакчилари ва ўзини мудофعا қилиш отрядлари вакиллари йиғилишига 79 киши ҳалок бўлди, деб ёзади AFP агентлиги. Тинч учрашув чоғида томонлар қуроли ўғирлик ва молларни ҳайдаб кетишдан ҳимояланиш масаласини муҳокама қилаётган эди. Тахминий маълумотларга қараганда, йиғилишга шу туманда яшовчи фулани элати вакиллари ҳужум қилган. Қўчманчи чорвадор фуланилар билан ўтרוқ қишлоқ аҳолиси ўртасида доимий адоват бор. Шу боис кейинги йилларда минглаб кишилар ҳалок бўлди.

ЙИГИРМА ИККИ КИШИ ТУТҚУНЛИҚДА

Хитойнинг жануби қарбий вилоятидаги кўмир конларидан бирида ер ости суви шахтага ёриб кирди. Мамлакат марказий телевидениеси шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, сувнинг ҳуружи оқибатида 22 шахтёр ер остида қамалда қолди. Фалокат юз берган пайтда шахтада 26 кончи ишлаётган эди. Улардан тўрт нафарни "тутқунлик"дан қўтилиб кетишга муваффақ бўлишди. Айна пайтда воқеа жойида шахтёрларни қутқариб олиш чоралари кўрилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</p> <p>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис:</p> <p>Тошкент вилояти ҳоқимлиги</p>	<p>Бош муҳаррир</p> <p>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</p>	<p>Манзил:</p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>e-mail:</p> <p>th.tp@mail.ru</p>	<p>Қабулхона:</p> <p>233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).</p> <p>Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:</p> <p>233-12-83, 233-48-08.</p> <p>Шартнома ва эълонлар:</p> <p>233-56-03, 233-65-59.</p> <p>Ҳисоб-китоб бўлими:</p> <p>233-54-10.</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).</p> <p>233-12-83, 233-48-08.</p> <p>233-56-03, 233-65-59.</p> <p>233-54-10.</p>	<p>Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир</p> <p>Сайёра РИХСИЕВА</p> <p>Навбатчи</p> <p>Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ</p> <p>Саҳифаловчи</p> <p>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</p>
--	---	--	--	---	---	--